



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 235 (11.796)

Баҳоси эркин нарҳда

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 6 декабрь куни Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликлари, Бангладеш Халқ Республикаси, Иордания Ҳосийийлар Подшоҳлиги ва Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқуллод ва мухтор элчилари этиб тайинланган – Муҳаммад Ҳариб Бирид ал-Муҳайрибий, Моҳаммад Имран, Муваффақ Муҳаммад Аҳмад Ажлоуний ва Ёсихиса Курода ишонч ёрлиқлари топширди.

Мамлакатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, дипломатлари шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошалаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистоннинг Форс кўрфазидagi ишончли иқтисодий ва сармоявий шерикларидандир. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йилда Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи самараси ўларок, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада юксак поғонага кўтарилди, икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди, барча соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришнинг янги имкониятлари ишга солина бошлади.

Икки мамлакат ўртасида турли мақомдаги делегациялар алмашуви фаоллашмоқда, ишбилармон доиралар вакилларининг бизнес-форумлари мунтазам ўтказилмоқда. Ўзбекистонда Бирлашган Араб Амирликлари сармоядорлари иштирокида тузилган етмишга яқин қўшма корхона, ушбу мамлакатдаги йигирмадан зиёд компаниянинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар савдо, электроника, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, транспорт хизмати каби соҳаларга ихтисослаштирилган.

Муҳаммад Ҳариб Бирид ал-Муҳайрибий Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон билан шериклик алоқаларини янада ривожлантириш тарафдори эканини айтиб, ўз дипломатик миссияси даврида икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Бангладеш ўртасидаги муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, Бангладеш Ўзбекистон пахтасининг асосий импортчиларидан бири эканини таъкидлаш жоиз. Бангладеш тўқимачилик корхоналарига ҳар йили 400-450 минг тонна Ўзбекистон пахтаси етказиб берилади.

Айни пайтда Бангладеш ишбилармон доиралари Ўзбекистон тўқимачилик ва фармацевтика саноатига сармоя киритишга катта қизиқиш билдирмоқда. Шу билан бирга, икки мамлакат нефть-газ, кончилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, сайёҳлик ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамкорлик учун улкан имкониятларга эга.

Биз Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий, сиёсий алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз. Гуманитар ҳамкорликни, хусусан, сайёҳлик соҳасидаги алоқаларни истикболли, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, ўз миссиями бажариш чоғида халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқчиман, – деди Моҳаммад Имран.

Иордания араб дунёсининг Ўзбекистон билан муносабатларни фаол ривожлантираётган

давлатларидан биридир. Яқинда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Иордания Бизнесменлар уюммаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Бу ҳужжат Иорданиянинг етакчи фирма ва компаниялари билан Ўзбекистон ишбилармон доиралари ўртасидаги мулоқотларни кенгайтиришни назарда тутди. Битимда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги алоқаларга алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, томонлар бу соҳадаги имкониятлар, имтиёз ва қулайликлар тўғрисида ахборот алмашишга, ишбилармонларни икки мамлакатдаги иқтисодиёт, сармоя ва савдога оид қўнчилик билан таништиришга, биргаликда бизнес-анжуманлар ўтказишга келишиб олдилар.

Буюк Ипак йўли даврида Мовароуннаҳр билан қадим араб дунёси орасида қатнаган карванлар бу улкан минтақалар халқлари ўртасида дўстлик, маданият, илм-фан ва савдо соҳасидаги алоқалар ривожига хизмат қилган.

– Ўзбекистон билан Иордания ўртасидаги муносабатлар халқларимизнинг тарихий алоқаларига таянади. Давлатларимиз қўллаб-қувватлаб самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Аввало, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш муҳим, деб ҳисоблайман. Мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасида ўзаро ишончли ва дўстона муносабатлар қарор топган. Бу ҳамкорлик кўламини кенгайтиришнинг муҳим омилдир, – деди Муваффақ Муҳаммад Аҳмад Ажлоуний.

Ёсихиса Курода Ўзбекистон-Япония муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини таъкидлаб, юртимиздаги дипломатик фаолияти давомида айниқса иқтисодиёт, сармоя, юқори технологиялар соҳаларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор беришни қайд этди.

Ўзбекистонда Япония билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Айни пайтда Япония ҳам Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги ўзининг муҳим шериги деб ҳисоблайди.

Мамлакатимиз Япониянинг БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлишини ёқлайди. Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Марказий Осиёнинг ядро қуролдан холи ҳудудга айланиши Токиода юксак баҳоланди. Мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги алоқаларга Буюк Ипак йўли даврида асос солинган. Бугунги кунда Ўзбекистон-Япония муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилди ва бу Президентимиз Ислам Каримовнинг 2003 йилда Японияга расмий ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги баёнот билан расмийлаштирилди.

Японияда ҳам Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида эътибор берилади. Кунчиқар мамлакат юртимиздаги ислохотларни кенг қўллаб-қувватлаб келаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Япония Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидандир. Япония сармоялари иштирокида мамлакатимизда стратегик аҳамиятга молик йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

(ЎЗА)

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ



ВАТАНИ ШАРАФЛАШ — ЮКСАК БАХТ

Жорий йилнинг 12-27 ноябрь кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли саккизликдан жой олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 1 декабрда қабул қилинган фармойишига биноан Осиё ўйинларининг ғолиб ва совриндорлари пул мукофотлари билан тақдирланди.

Тошкентдаги "Олимпия шон-шухрати" музейида XVI ёзги Осиё ўйинлари ғолиблари ва совриндорларини шарафлашга бағишланган маросимда мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

Тантанали маросимда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, аҳоли, айниқса болалар ва хотин-қизларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шароит яратиш, халқаро спорт майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олишга қодир спортчиларни тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган замонавий спорт мажмуалари, сув спорти саройлари минг-минглаб

ўғил-қизларнинг сеvimли масканига айланган. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган таълим соҳасидаги уч босқичли улуксиз спорт тизими – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада мусобақалари ўғил-қизларимизнинг халқаро майдонда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдек эзгу мақсадларни амалга оширишга қодир спортчилар бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Гуанчжоудаги ўйинларда муваффақиятли иштирок этган ҳамюртларимиз орасида ушбу уч босқичли спорт мусобақаларида кашф этилган ва халқаро майдонда юртимиз байроғини баланд кўтариб келаётган навқирон ва забардаст спортчиларнинг кўплиги бунинг далилидир.

Юртимизда кўплаб спорт турлари бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларнинг юқори савияда ташкил этилаётгани ва спортчиларимиз халқаро мусобақаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётгани тўғрисида дунё ҳамжамияти Ўзбекистонда спорт ҳам кенг ривожлангани эътироф этмоқда.

(Давоми 4-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар берилганидек, 4 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар томонидан «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиш чоғида ушбу қонун ҳужжати латент жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва улар оқибатларининг олдини олиш мақсадида фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишини рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг жавобгарликдан озод этилишини кафолатлашга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Қонун валюта қимматликларининг қонунга хилоф айланиши билан боғлиқ бўлган, тергов билан ҳамкорлик

қилиш истагини билдирган ва қонунга хилоф валюта операциясининг томонларидан бири бўлган фуқароларнинг аризалари асосида аниқланган жиноятларнинг очилишини яхшилашга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар «Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги

Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиш чоғида ушбу қонун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференцияси (ЮНЕСКО) томонидан Спортда допингга қарши кураш тўғрисида халқаро конвенция қабул қилинганлиги муносабати билан ишлаб чиқилганлигини қайд этиб ўтдилар. ЮНЕСКОнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги страте-

гияси ва фаолият дастури доирасида ишлаб чиқилган мазкур конвенциянинг мақсади – спортда допинг қўллашнинг олдини олишга ва допингни йўқотиш мақсадида унга қарши курашишга кўмаклашишдан иборат.

Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция кенг қамровли бўлиб, спорт соғлиқни сақлашда, ахлоқий, маданий ва жисмоний тарбияда, шунингдек, халқаро миқёсда бир-бирини тушуниш ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беришда муҳим роль ўйнаши кераклигини назарда тутди.

Мазкур конвенциянинг ратификация қилиниши Ўзбекистон ўзининг халқаро мажбуриятларини бажаришга содиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

(Давоми 2-бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқадиган прокуратура органларининг вазифалари ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

• Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган сайёр йиғилиши ўтказилди. Унда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларидаги ижроси кўриб чиқилди.

• Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган «Конституция – бахтимиз пойдевори» кўрик-танловининг республика босқичи якунланди. Таъкидлаш жоизки, Баркамол авлод йили доирасида ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида ўтказилган ушбу танловнинг дастлабки босқичларида 4 миллиондан ортиқ ўқувчи иштирок этди.

• Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллиги нишонланаётган айни кунларда Навоий вилояти қишлоқларида қад ростилаётган намунавий лойиҳадаги 55 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

• Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилаётган республика кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи якунланди. Унда 57 нафар иқтидорли қиз адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишлари бўйича ўз билим ва маҳоратларини синовдан ўтказди.

• Фарғонада асал байрами бўлиб ўтди. Унда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг асарчиликчилари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

• Когон шаҳрида Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Уч қаватдан иборат кўркам мажмуа қурилишига давлат бюджетидан 1 миллиард 194 миллион сўм маблағ сарфланди. Бунёдкорлик ишларини Жондордаги «SDF» фирмаси жамоаси белгиланган муддатда амалга оширди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Россия Федерацияси Президентининг Д.Медведевнинг Польшага икки кунлик расмий ташрифи бошланди.

• Гаитида бўлиб ўтган президент сайловларининг биринчи туридан сўнг муҳолифат томонидан кўрсатилган номзод етакчилик қилмоқда.

• Кеча Сеулда Корея ярим оролида тинчликни таъминлаш юзасидан АҚШ, Япония ва Жанубий Корея давлатлари етакчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувдан сўнг АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон келажакда ушбу ҳудудда кескин вазиятни юмшатиш борасида Хитой ва Россиянинг ёрдамига ҳам таянилишини таъкидлади.

• Кеча Греция пойтахти Афина шаҳрида полиция томонидан 15 ёшли ўсмирнинг ноҳақ ўлдирилганлигига икки йил тўлиши муносабати билан ёшлар томонидан катта тартибсизликлар содир этилди. Полиция намоийшчиларни тарқатиш учун қўздан ёш оқизувчи газ қўллашга мажбур бўлди, 80 киши ҳибсга олинди.

• Россия энергетика вазири Сергей Шматко Европада ҳавонинг кескин совиб кетиши муносабати билан Россия ушбу қитъага газ етказишни кўпайтиришга тайёр эканлигини билдирди.

• Колумбиянинг Бельо шаҳрида юз берган кўчки оқибатида 150 киши тупроқ остида қолиб кетди. Табиий офат натижасида шаҳарнинг Ла Габриэла туманидаги турар жой биноси бутунлай вайронга айланган. Бунга айни кунларда мамлакатда кузатилаётган тинимсиз ёғингарчилик сабаб бўлган.

• Ульяновскда учинчи йўлларининг яхлаши муносабати билан халқаро аэропорт ёпилди.

• Исроилда юз берган ўрмон ёнгинлари бартараф этилди. Айтиш керакики, тўрт кун давом этган ушбу ёнгинлар катта талафотларни келтириб чиқарди. Жумладан, табиий офат оқибатида 41 киши ҳаётдан қўз юмди, қарий 5 минг гектар майдонга жиддий зарар етди. 17 минг нафардан ортиқ одам эса уй-жойсиз қолган.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

Демократик ислохотларга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш деғанда, барча қонун олдиде тенглиги, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини қонун билан ҳимоя қилиниши тушинилади.

Ўзбекистон Конституциясида демократик ҳуқуқий давлат қуриш мақсади илгари сурилган. Бугун биз шу мақсад тантанаси гувоҳимиз.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсати- мизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституцияимизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир».

Мамлакатимиз Конституциясининг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади» деб белгилаб қўйилган.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда ҳокимият тармоқларини, ҳусусан парламентни янада ривожлантириш ва мустақам-

лаш, сиёсий партиялар ролини ошириш, суд-ҳуқуқ тизimini, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек демократик ислохотларни қўллаш чукурлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари суриди.

Мустақил республикамиз Конституцияси давлатни қонуний жиҳатдан шакллантиришга асос бўлди. Асосий Қону-

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ГАРОВИ

нимизда биринчи марта ҳокимият бир-бирдан мустақил бўлган учта — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан ташкил топиши эътироф этилди. Барқарор бозор иқтисодиётига асосланган қудратли ҳуқуқий демократик давлат қуриш мақсад қилиб қўйилди.

Мамлакатимизда барча ҳуқуқий ислохотларнинг асосий мақсади суднинг мустақил ҳокимият тармоғи сифатидаги мавқени қайта тиклаш гоёси бўлди. Бугунги кунда гувоҳимиз, ҳокимиятнинг учинчи ўзгаи бўлмиш суд тизими мустақамлашиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» ва 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини суд-

ларга ўтказиш тўғрисида»-ги Фармонлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда одил судловга бўлган ишонч ортиб бораётганидан далолатдир. Бу борада Ўртбошимиз мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилиниши халқаро ҳамжамиятнинг қатта эътибор ва эътирофига сазовор бўлаётганини ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўта муҳим воқеа дея, таъкидлаб ўтгани ҳам бежиз эмас.

Конституцияимизда бозор муносабатларини ривожлантириш, тadbиркорликнинг ҳуқуқий муҳофаза қилинишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Барча мулк шакллари тенг ҳуқуқлилиги, ҳуқуқий жиҳатдан тенг муҳофаза этилиши алоҳида модда билан белгилаб қўйилганлиги фикримиз далилидир.

Асосий Қонунда белгиланган устувор гоёларни рўёбга чиқариш бўйича кейинги йилларда қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатлари жамиятимиз иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини шакллантириш, корхоналар ҳўжалик фаолиятига аралашуви неқлаш, тadbиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Tadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш юзасидан ҳам меъёрлар жорий этилаётганлиги бу соҳада жиҳдий ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Отабек АЗИМОВ, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси тadbиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

Мамлакатимиз Конституцияси миллий ҳуқуқий қадрият сифатида жамиятда ижтимоий адолат ва қонунийлик таъминланишининг муҳим пойдеворидир. Бахтимиз қомуси, энг аввало миллий ўзликни англаш, ҳур ва озод Ватанни барпо этиш имкониятини берди.

Эртага Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 18 йил тўлади. Айни кунларда жойларда шу муносабат билан тантанали тadbирлар бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент давлат юридик институтини, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Конституция — маҳалла институтининг ҳуқуқий асоси» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Тошкент давлат юридик институтини профессор-ўқитувчилари, магистратура ва бакалавр йўналиши талабалари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

Tadbирдан давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ис-

МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

лохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида қайд этилган фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида сўз борди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, барча жабҳаларда кенг кўламли ислохотлар босқичма-босқич, изчил амалга оширилаётгани, демократик ўзгаришлар жараёнида маҳалла институтини муҳим аҳамият касб этиши, ўзини ўзи бошқариш тузилмаси фаолиятининг ҳуқуқий асос-

ларини давр талаблари асосида янада такомиллаштириш борасида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан очиқ мулоқот тарзида ўтган мушоҳадалар чоғида республикамизда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларнинг юксак самаралари ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши барча жабҳалар, жумладан маҳалла институтини янада демократлаштиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Зарнигор БАХТИЁРОВА

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тadbирлар Бектемир туманидаги мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида ҳам кенг миқёсда ўтказилмоқда.



«Конституция — бахтимиз пойдевори» шиори остида ўтказилаётган очиқ дарс, давра суҳбатлари ва байрам-эрталиклариде ўқувчиларга Конституциянинг мазмун-моҳияти тушунтирилди, мамлакатимиз Асосий Қонунининг ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг таълим-тарбия олиши, интиқларини рўёбга чиқаришдаги ёрни ҳақида батафсил маълумотлар берилмоқда.

477-боғча-мактабда ўтказилган байрам тadbирларида маҳалла фаоллари, ота-оналар, педагог ҳодимлар, ўқувчилар ва тарбияланувчилар иштирок этди. — Боғча-мактабимизда 100 нафар ўғил-қиз таълим олади, 200 нафар қиз-

қинтой тарбияланади, — дейди мажмуа раҳбари Маъмура Ядгарова. — Болажонларимиз соғлом ўсиши, пухта билим олиши учун барча шароитлар яратилган. Малакали педагоглар ва тарбиячилар билим ва маҳоратини ёш авлод камолоти йўлида сафарбар этмоқда. Фарзандларимизнинг интиқларини рағбатлантириш, маънавий дунёсини юксалтириш, мустақиллик гоёларини онгига синдириш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида турли тadbирлар ўтказиб борилади. Конституция кунига бағишланган очиқ дарс машғулотлари ва байрам эрталиклариде бахтимиз Қомуси ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди, унинг ҳаётимиздаги ёрқин ифодаси ҳақида тўхталиб ўтилди.

Тўртинчи синф ўқувчилари намоиш этган «Қомусимиз — номусимиз» деб номланган байрам эрталиги барчада яхши таассурот қолдирди. Болажонлар ўз чиқишларида билим, маҳорат ва эҳтишомни кўрсатишиб, йиғилганларга хўш кайфият бахш этдилар. Байрам шукҳи, фарзандларнинг шодон чеҳралари айниқса ота-оналарни мамнун этди. Дилноза СОДИҚОВА

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тиббий-ижтимоий соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида репродуктив ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирларни бирламчи тиббий-профилактикага тўла қамраб олиш, пухта тиббий кўрикдан ўтказиш, экстрагенитал касалликларни эрта аниқлаш ва даволашини самарали тизими яратилди.

Бу борада оила, мактаб, маҳалла ва бирламчи тиббиёт маскани ҳамкорлиги шакллантирилди. Бунинг натижасида юртимизда оналар ўлими икки баробардан кўпроқ, болалар ўлими уч баробар камайди. Мамлакатимизда оналик ва болалиқни муҳофазалаш борасида эришилаётган бундай ютуқлар халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан юртимизнинг бу йўналишдаги миллий модели энг ривожланган мамлакатлар учун ҳам намуна сифатида тавсия этилгани фикримиз далилидир.

Ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг Европа ҳудудий комиссияси яқинда Москвада 60-сессиясини ўтказди. Ушбу тadbирда мамлакатимиз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ижроия кўмитасига сайланди. Энди Ўзбекистон нафақат мамлакатимиз ёки минтакамиз халқларининг, балки бутун дунё ақлининг манфаатларини муҳофазалашда иштирок этади. Бу юртимизда тиббий-ижтимоий соҳани тубдан ислох этиш, тиббий хизматни аҳолига янада яқинлаштириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган чора-tadbирлар самарасидир.

Мустақиллик йилларида мазкур йўналишдаги мақсад ва вазифалар ижросига қаратилган давлат дастурлари қабул қилинди. Давлат бюджети маблағларининг салмоқли қисми ана шу мақсадларга йўналтирилмоқда. Бундай хайрли ишларга хоржий инвестицияларни, ҳомийлик маблағларини жалб этиш учун ҳам қўлай муҳит яратилган. Ана шундай имкониятлар тўғрисида аҳолига жаҳон андозалари даражасида, юксак технологиялар асосида тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Хозирги кунда жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатларида қўлланиладиган юқори технологияларга асосланган даволаш усуллари мамлакатимиз тиббиётига кенг татбиқ этилмоқда. Инсон саломатлигини асрашнинг муҳим омилли — тиббий профилактика ва санитария-тарғибот ишларини юқори савияда ташкил этишининг замонавий механизми шакллангани соҳа тараққийотида муҳим ўрин

тутаётир. Бу йўналишдаги вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида уч миңдан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ва қўлпаб оилавий поликлиникалар фаолият юритяпти.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра, бирламчи тиббий муассасаларда иш юритишнинг замонавий

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АМАЛДАГИ САМАРАСИ

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади. (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 65-модда)

усуллари кенг қўлланилиб, уларнинг моддий-техник салоҳиятининг мустаҳкамланяётгани, даволаш ва диагностика ишлари такомиллашяётгани тўғрисида аҳолининг бундай шиғо масканларига ишончи янада ошмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиника фаолияти бугун мисолдир. Мазкур шиғо маскани ўттиз миңдан кўпроқ аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-tadbирлар тўғрисида»ги Қарори оилавий поликлиникалар фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизматни аҳолига янада яқинлаштиришда муҳим омил бўлаётир.

Бу борада ишлаб чиқилган «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли дастурида белги-ланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида жойларда фаолият юритиладиган кўча тиббий гуруҳ шакллантирилди. Улар томонидан ҳудуддаги турқў ёшдаги аёллар, ўсмирлар ва болалар босқичма-босқич тиббий кўриқдан ўтказилди. Бундай тadbирларда оила шифокори ва ҳамшира билан бирга, невропатолог, кардиолог, эндокринолог, жарроҳ, кўз касалликлари ва ортопед шифокорлари ҳамда маҳалла фаоллари, хотин-

ган «Ёш оналар мактаби» машғулотларига 120 нафар келинчақ жалб этилган. Улар билан ҳомилдорлик давридаги физиологик жараёнлар, турғуқа тайёрларик, рационал овқатланиш, санитария-гиғиена қондаларига риоя этиш, чақалоқ тарбияси, болани кўкрак сuti билан озиклантириш, турғуқлар ораллигини сақлашининг аҳамияти, исталмаган ҳомилдорликнинг олдини олиш каби масалалар бўйича суҳбатлар ташкил этилди.

Она ва бола саломатлигини асрашда ниқоҳдан олдинги тиббий кўрик юксак самаралар бераётир. Бундай тadbирларга аҳоли кенг жалб этилмоқда. Кўрик жараёнида аниқланган экстрагенитал касалликлар ўз вақтида даволанмоқда. Янги оила қурганлар беш йилгача оилавий поликлиника назоратида туради. Уларнинг тиббий аҳоли мунтазам кузатувга олиниб, кенг кўламли профилактика ёрдами кўрсатилади. Оилавий поликлиника энг замонавий диагностика ва даволаш усуқналарни, лаборатория жиҳозлари билан таъминлангани бундай ишларни юқори савияда ташкил этиш имкониятини бермоқда.

Тиббий профилактика тadbирларида аҳолини тўла-тўқис қамраб олиш учун хонадонларда, ҳудудда жойлашган коллежлар ва мактабларда доимий мулоқот ташкил этиш жадвали шакллантирилган. Оилавий поликлиника ва таълим муассасалари ҳамкорлигидаги тadbирларда оналик ва болалиқни муҳофазалашга тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам чуқур таҳлил этилаётир. Жумладан, қизларни эрта турмушга узатиш, воёга етмай фарзанд кўришининг салбий оқибатлари кенг тушунтирилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 15-17 ёшда қизларнинг организми она бўлишга физиологик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлмади. Бунинг натижасида, ҳомила нобуд бўлиши, ёш онанинг соғлиғига жиҳдий зиён етиши мумкин. Бу кўпинча оилавий муаммоларни ҳам юзага келтиради. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мактаб, коллеж, маҳаллаларда ўқувчилар ва она-оналар иштирокчи доимий тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Бундай кенг кўламли тadbирлар натижасида оналар ўлимнинг олди олинмоқда, болалар ўлими ва касалликларни кескин камайди. Экстрагенитал касалликларни эрта аниқлаш тизими шаклланди. Бундай ютуқлар оилавий поликлиникага аҳолининг ишончи ошишига ва оилада тиббий маданият юксалишига хизмат қилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТўРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТўГРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган Сурхондарё вилоятининг Бандихон туманини тугатиб, унинг ҳудудини Қизилқум туманига бирлаштириш тўғрисидаги, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Янгийўл шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, Андижон вилоятининг Асака шаҳри ва Асака тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Асака шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри ва Оҳангарон тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Оҳангарон шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги тақлифларни кўриб чиқилган ва маъқуллади.

Мамлакатимиз ҳукуматининг юқоридаги тақлифларини маъқуллаш ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилmani янада ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли фаровонлигини яхшилашга ҳамда ҳудудларни бошқаришни мақбуллаштиришга қаратилган тadbирлар самарадорлигини ошириш учун зарур шароитлар яратиш имконини бериши кўрсатиб ўтилди.

Сенаторлар Тошкент шаҳар ҳокимининг Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманининг номини ўзгартириш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқдилар ва маъқуллади.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига киратилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Икки кунлик мажлис давомида 24 масала шу жумладан 14 та қонун кўриб чиқилди, уларнинг амалга оширилиши демократик, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли фаровонлигини оширишининг муҳим омилли бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

ҲАЁТ ҚОМУСИ

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишда Ўзбекистон Конституциясининг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга. Айни кунларда мамлакатимиз Асосий Қомуси қабул қилинганлигининг 18 йиллиги муносабати билан жойларда тadbирлар бўлиб ўтмоқда.

«Конституция — бахтимиз қомуси» — шу маънада Тошкент педиатрия-тиббиёт институтиде ўтказилган давра суҳбатиде Бош Қонунда белгиланган инсон ҳуқуқлари кафолатлари хусусидаги фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Айниқса олий ҳамширалик иши факультет талабалари томонидан тайёрланган қизикарл қиқишлар тadbир мазмундорлигини таъминладеса, муболага бўлмади.

Tadbир сўнгида энг фаол талабаларга институт раҳбарияти томонидан совғалар топширилди.

ИНСОН ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон тарихи давлат музейиде «Конституция — ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати» шиори остида ташкил этилган маънавий-маданий тadbир ўзига хос байрамон руҳда ўтди.

Tadbир Юнусобод тумани ҳокимлигини, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон давлат тарихи музейи ҳамкорлигида ташкил этилиб, ун «Конституция — юртимизда барпо этилаётган ян ҳаёт, янги жамиятнинг ҳуқуқий пойдевори», «Су ҳуқуқ ислохотларининг давомийлиги мазмуни «Давлат ҳокимияти тизими такомиллашуви «Ёшлар ва маънавият» мавзуларида чиқиш бўлди.

Фурқат ва Ҳамид Олимжон номидеги мадний уйлари ижодкорлари томонидан тайёрланган концерт ҳамда Юнусобод туманидаги акдемик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирокидаги қизикарли маданий дасту тadbирга ўзгача файз киритди.

Ойдин ИБРОҲИМО

Қарор ва ижро

ИЖАРА ТАРТИБИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги «Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди. Тадбир Давлат мулкни бошқариш кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилди.

Ахборот бериб ўтилганидек, Давлат мулк кўмитаси ҳозирда мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида муҳим аҳамият касб этадиган давлат мулкни самарали бошқариш, мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонлар сафини кенгайтириш борасида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, мазкур кўмитанинг жойлардаги марказлари давлат мулкни ижарага беришни ташкил этиш, тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторинг олиб бориш, қайд қилинган мулк бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, ижара объектларидан мақсадли фойдаланиш, уларнинг сақланиши, шунингдек ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш вазифаларини амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан давлат мулкни ижарага берилиши — бу аввало бюджетга тушадиган маблағ манбаи ҳисобланади. Иккинчидан, давлат мулкдан фойдаланиш жараёни доимий назоратда бўлиб, суиистеъмолчиликнинг олди олинади. Муайян бир ташкилот давлат мулкни тасарруфда бўлиб, бўш турган бинога солиқ ва бошқа тўловларни тўлаши табиий. Агар шу бино ижарага берилса, ташкилот ҳисоб рақамига ижара ҳақининг маълум фоизи келиб тушади. Янги иш бошламоқчи ёки фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган тадбиркор бино ёки бошқа мулкни сотиб олиш имкониятига ҳар доим ҳам эга эмас. Мавжуд қонунчиликдан хабардор ишбилармон эса давлат мулкни сотиб

олишга нисбатан бир неча бор арзон нархда ижарага олса, бекор турган мулкдан мақсадли фойдаланилади, аҳолига янги иш ўринлари яратилади. Тегишли меъёрий ҳужжатнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, манфаатдор томонларнинг бурч ва мажбуриятлари қатъий белгиланган шартнома асосида кафолатланади.

2010 йил тўққиз ой ҳолатига кўра, бўш турган майдонларнинг 11 минг гектари бўйича ижара шартномалари имзоланган. Бундан 16 миллиард сўмдан зиёд ижара ҳақи олинган бўлса, тенг ярми бюджетга йўналтирилган. Айни пайтга қадар тижорат мақсадида ишлатилмаган, ижарага бериш учун таклиф этилаётган ва фойдаланилмаган турган давлат объектлари умумий майдони 452,8 минг квадрат метрни ташкил этмоқда.


Тадбирда сўзга чиққан «ВЛ лазер-оптика» қўшма корхонаси директори Зулфия Мақсудова, «Меридиан-нур мебель» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Азимжон Тўйчиев, тадбиркор Ренат Бахтиев ижара марказлари тадбиркорлик фаолияти учун кўмак эканлиги ҳақида ўз фаолиятлари мисолида тўхталиб ўтишди.

Давлат мулкни ижарага олиш ҳамда фаолият бошлаш борасида йўл-йўриқлар, ижарага берувчининг ижарага олувчига мол-мулкни топшириш масаласи, баъзи ечимини кутаётган муаммолар, ижара тўловлари ва бошқа масалалар юзасидан мутахассислар ҳам фикр-мулоҳазалар билдириб ўтишди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Азиз ҳамшаҳарлар!

Барчангизни мамлакатимиз Конституциясининг 18 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этамиз. Доимо соғ-саломат бўлинг, оилавий бахт-саодат, тотувлик сизларни асло тарк этмасин. Асосий Қонунимиз асрлар оша халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилаверсин.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА ТИББИЁТ ХУЖЖАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ ЖАМОАСИ

Таъкидланганидек, Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида устувор вазифалар белгиланиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизми ҳам аниқ ва равшан кўрсатиб берилган.

Давра суҳбатда «Мамлакатимизда ислохотларнинг янги босқичи ва фуқаролик институтлари», «Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Эргаш ХУЖАЕВ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар таянч маскани томонидан ҳоимларни жалб қилган ҳолда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, кўнгли ўксик, имкониятлари чекланган болажонлар ҳолидан хабар олиш, уларга манзилли мурувват ёрдамлари кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Саховат

ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Куни кеча олий ўқув юрлари ва коллежлар ҳамкорлигида 2-Мурувват уйи тарбияланувчилари ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар улашилди.

560-«Семурғ» ноғирон болалар реабилитация маркази, 33-ақли заиф болалар мактаб-интернати ва 354-маҳсус мактабгача таълим муассасаси, кўзи ожиз болалар мактаб-интернати тарбияланувчиларига ҳам меҳр кўрсатилди.

Жамғарманинг туман вакиллари томонидан шахримизнинг барча туманлари бўйича жисмоний имконияти чекланган ўсмир-ёшлар ва хотин-қизлар ҳолидан доимий равишда манзилли хабар олинаётди.

Д.ИСМОИЛОВ

Анжуманлар

БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган муסיқа академик лицейида «Конституция — бахтимиз пойдевори» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Адлия вазирликлари, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадий академия, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўрик-танловнинг якуний босқичи голибларини тақдирлашга бағишланган тадбирда таълим тизими раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Дониёров, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси бошқаруви раиси И.Латипов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Конституциямизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга пухта таълим-тарбия бериш тамойиллари қатъий белгилангани баркамол авлод тарбиясида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Бош Қомусимиз мазмун-моҳиятини ёшлар онгу шуурига етказишда давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Асосий Қонунимиз қабул қилинганнинг 18 йиллиги муносабати билан юртимиздаги умумий ўрта таълим мактабларида «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзuida республика кўрик-танлови ўтказилди. Унда мамлакатимиздаги барча умумий ўрта таълим мактабининг ўқувчилари фаол иштирок этди.

Ушбу кўрик-танлов ёшларимизнинг ҳуқуқий билим ва маданиятининг янада юксалишига хизмат қилмоқда. Айни пайтда ижодий беллашув ўқувчиларнинг Бош Қомусимизга доир билимини тобора бойитиш имконини бераётди.

Тасвирий санъат йўналишида Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Ойгул Жуманова, иншо йўналишида Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Феруза Ҳожиёва, видеоориентирлар тайёрлаш йўналишида Андижон вилояти Кўргантепа туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Иброҳимжон Отажонов биринчи ўринга сазовор бўлди.

Назозат УСМОНОВА

ЁШЛАРИМИЗНИНГ ДАДИЛ ҚАДАМИ

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларнинг қамрови ва ўлчами жуда кенг. Ўтаётган йилнинг Баркамол авлод деб номланиши ҳам ўзига хос улкан аҳамиятга молик. Муқаддас Ватанимизнинг келажаги бўлмиш ёшларнинг дадил ва шижоатли қадами, тафаккури ва дунёқараши кенгайиб бораётгани, қолаверса, қизиқиши ва интилишлари бунинг исботидир.

«Баркамол авлоднинг ҳуқуқий юксалишида Конституциянинг роли» мавзусида ўтказилган анжуманда шу ҳақда сўз борди.

Тадбирда «Баркамол авлод» Давлат дастури доирасида ички ишларда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида, ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, тарбияси оғир ўсмирлар билан олиб борилаётган ишлар хусусида фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Сўзга чиққанлар фарзандларимизнинг бахту саодати, иқболли келажаги ва шу билан бирга, тарбия жараёнида олиб борилиши лозим бўлган ишлар, ота-оналар олдидаги асосий вазифалар, ўқув масканларида ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтишди.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларни ёт таъсирлардан авайлаш, миллий қадриятларимизга эҳтиром кўрсатиш руҳида тарбиялаш, Ватан муқаддаслиги ҳақидаги тушунчаларни улар онгига сингдириш каби мулоҳазали, мушоҳадага бой фикрлар анжуманнинг янада сермазмун ва қизиқарли чиқишини таъминлаб берди.

ЮРТИМИНИ КУЙЛАЙМАН

Мирзо Уллубек туманидаги 493-мактабгача таълим муассасасида ўтказилган «Ватаним Қомуси» мавзусидаги тадбир ҳам Конституция кунига бағишланди.

Унда нафақат болажонлар, балки тарбиячилар ҳам биргаликда турли саҳнавий кўринишлар, Ватан ҳақидаги шеърлар, дилбар ва жозибали рақслардан тузилган байрам концерт дастурида иштирок этишди.

Шунингдек, мамлакатимиз Конституциясининг ўн саккиз йиллигига бағишлаб чизилган расмлар кўргазмаси, «Ватан остондан бошланади» савол-жавоблар викторинаси байрам тадбири мароқли ва мазмунли яқунланишига асос бўлди.

Гулнор САТТОВА

Олий ўқув юрларида

ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Давра суҳбати мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичи» мавзусидаги

маърузасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган долзарб вазифаларга бағишланди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

САНОАТ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида «Саноатни автоматлаштиришда интеллектуал тизимлар» мавзусида олтинчи халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман доирасида Германия, АҚШ, Канада, Россия, Украина, Қозоғистон, Озарбойжон давлатларидан олимлар, профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳалар ва ҳўжалик шартномалари доирасида ба- жариладиган илмий-тадқиқот ишларининг баҳарувчилари, саноат корхоналари вакиллари, иқтидорли талабаларнинг изла- нишлари тақдимоти ўтказилди.

Тадбирда академик Нодирбек Юсупбеков, профессорлар Леонид Соркин, Анатолий Верлянь, Фраункофер институтининг халқаро алоқалар бўйича директори Хуберт Гроссман, академик Тўлқин Бекмуродовнинг «Интеллектуал бошқариш- ни назарий ва амалий ривожлантиришнинг баъзи тенденция- лари», «Нефтни қайта ишлаш ва нефть-кимё жиҳозларда энер- готежамкорлик тизимларини қўллаш истиқболлари», «Интеграл тенгламалар асосида динамик тизимларини математик модел- лаштириш», «Ишлаб чиқаришда харажатларни камайитириш учун энергонеэкономия» каби маърузалари тингланди.

Шунингдек, ТошДТУ «Электроника ва автоматика» факультети қошидаги «Honeywell» ўқув марказининг тақдими ҳам ўтказилди. Айтиш керакки, кейинги йилларда техника универ-

ситетининг хорижий илмий тадқиқот муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожланиши натижаси ўлароқ 2009 йил- да «Honeywell process solution» халқаро компанияси билан бит- тим имзоланишига асос бўлди.

Ушбу битимга мувофиқ ТошДТУ таркибида «Honeywell» компанияси жиҳозлари, аппаратлари ва дастурий воситалари билан таъминланган «Honeywell» ўқув маркази ва лабораторияси ташкил этиш назарда тутилган эди. Шунингдек, услубий йўриқномалар билан таъминлаш, ўқитувчилар малакасини оши- риш, магистратура ва бакалаврият талабаларининг компания бўлинмаларида амалиёт ўтатиши ташкил этиш, битирувчилар- ни «Honeywell» тизимдаги корхоналарга ишга йўналтириш каби масалалар ҳам назарда тутилган.

Марказда фаолият олиб бориш мақсадида «Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш» кафедрасининг ўқитувчилар- ни махсус курсларда ўқиб, сертификатга эга бўлишиди.

Ўқув йили сўнгга қадар марказ ва лаборатория дастурий ва ўқув воситалари ҳамда техник қурилмалари билан тўла жиҳоз- ланиши мўлжалланмоқда.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Танловлар

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИХТИРОСИ

Мазкур танлов «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгилаб берилган ёшларнинг ижодий ва ин- теллектуал салоҳиятини рўёбга чи- қариш учун шароит яратиш, истеъ- дод соҳибларини илмий фаолиятга жалб этишга доир вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган- лиги билан эътиборга лойиқдир.

Танловнинг асосий мақсади — энг яхши интеллектуал мулк объектларини аниқлаш йўли билан янги тех- нологиялар, рақобатбардор маҳсу- лот яратиш жараёнини фаоллашти- риш, саноат мулк соҳасида энг яхши ютуқларни тарғиб этиш, инве- стицияларни кенг жалб қилиш, иш- лаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига истиқболли ишланма- ларни татбиқ этишга кўмак бериш, инновацион фаолият аҳамиятини

Мустақиллик йилларида ахборот технологиялари соҳасида эришилган ютуқларни кенг тарғиб этиш, илм- фанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга иқтидорли ёшларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, «Камолот» ЁИХ, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда «Янги интеллект» — энг яхши интеллектуал мулк объекти учун йиллик танлови эълон қилинганди.

ошириш, ихтирочилик, илмий-техни- кавий ижодиётни рағбатлантириш- дан иборат.

Кўриқда Давлат патент идораси- дан муҳофазалаш ҳужжатларини ол- ган интеллектуал мулк объектлари қатнашди.

Куни кеча Ёшлар ижод саройида тантанали равишда мазкур танлов- нинг якуний натижалари эълон қилинди. 2010 йилнинг «Энг яхши их- тириси», «Энг яхши фойдали моде- ли», «Энг яхши ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базаси» номинацияла-

И.ДИЛШОДОВ

ВАТАННИ ШАРАФЛАШ — ЮКСАК БАХТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

XVI Осиё ўйинларида дзюдочи Ришод Собиров, эркин курашчилардан Дилшод Мансуров, Артур Таймазов, боксчи Элшод Расулов, грассмейстер Рустам Қосимжонов, велопойгачи Владимир Тўйчиев, энгил атлетикачилардан Юлия Тарасова, Светлана Радзивил, каноэда эшак эшиш бўйича Вадим Меньков, Серик Мирбеков ва Герасим Кочнев жуптлиги, байдарада эшак эшиш бўйича Сергей Борзов, Алексей Бобононов, Алексей Мочалов ва Вячеслав Горн тўртлиги шохсупанинг энг юқори погонасидан жой олди.

Кескин ва мурасасиз курашларга бой бўлган Осиё ўйинларида спортчиларимиз азму шижоат, ирода ва қатъият бобида ҳеч кимдан кам эмаслигини, халқимизнинг спорт соҳасидаги юксак салоҳиятини яна бир бор намоён этдилар.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга, халқаро арена-

да юрт шаънини муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига XVI Осиё ўйинлари ғолиби ва жаҳон чемпиони Ришод Собиров. — Биз, спортчилар, давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган доимий ғамхўрликни ҳар қадамда ҳис қиламиз, бунинг учун Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари каби нуфузли мусобақаларда шохсупага кўтарилиш ҳар бир спортчининг энг эзгу орзусидир, — дейди энгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолибаси Светлана Радзивил. — Гуанчжоуда эришган муваффақиятимиз замирида Ватанимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов то-



монидан спортни, жумладан, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор мужассамдир.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан боксчи Элшод Расулов ва энгил атлетикачи Юлия Тарасова давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувват-

лаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун самимий миннатдорлик билдирдилар, бундай ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда ҳам давлатимиз байрогини сарбаланд этишга сўз бердилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Байрам АЙТМУРОДОВ

Санъат

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФГА САЗОВОР

Ўзбек кинеси дунё мамлакатлари нигоҳида кундан-кунга обрў орттириб, халқаро анжуманларда нуфузли совринларни қўлга киритаётгани ушбу йўналишдаги санъатимиз ҳам ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Шу йил ноябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган Евро-Осиё кинофестивалида «Сув ёқалаб» бадий фильми бош қаҳрамон, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов «Энг яхши актёр» номинациясида ғолиб деб топилди. Шунингдек Сан-Паулу (Бразилия) ва Токио (Япония) шаҳарларида ўтказилган кинофестивалларда «Нариги соҳилда қолган болалик» ва «Илова» фильмлари асосий дастурларда намойиш этилиши ҳам фикримиз яққол исботидир.

Кун кеча пойтахтимизда киносанъатчиларимизнинг халқаро эътиборига бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақда батафсил тўхталиб ўтилди.

Эътироф этилган кинофильмлар муаллифлари Эркин

Аъзам, Собир Назармухамедов ва Ёлқин Тўйчиевлар эришилган ютуқлар негизда мамлакатимизда, эркин, ижод қилишга қаратилган эътибор мужассамлигини таъкидлаб ўтишди. Уз ижод намуналари ҳақида фикр юритиб, янги-янги сценарийлар устида муттасил ишлаш лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтишди.

Халқаро кинофестивалда «Энг яхши актёр» номинациясида ғолиб бўлганим ҳаётимнинг ёрқин ва ўчмас лаҳзаларидан бўлиб қолади, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов. — «Сув ёқалаб» фильмидаги образ менга жуда манзур бўлди. Бош қаҳрамон — ҳамма бирдек кўрадиган Болта Мардон инсонларни ҳаққўйликка, инсофга ва адолатга чор-

лайди. Унинг бағрикенглиги ва чексиз меҳри ўз уммонида саховат ва муруватни ёқлайди. Албатта, халқаро эътирофга сазовор бўлиш фақат менинг ютуғим эмас. Бунда сценарий муаллифи, режиссёр, оператор, барча актёрлар ҳамдам, ҳамқандам ва ҳамнафас бўлиб, ажиб бир уйғунликда ижод қилдиларки, натижада шундай гўзал ва ҳаққоний кино вужудга келди. Эндиликда бу кино дунё мамлакатлари олқишига сазовор бўлмоқда. Умрим йўлларидан бундай нурли кунлар насиб этган экан, бу санъатимиз, атрофимдаги ижодий муҳитнинг ижобий таъсиридир.

Ҳа, мамлакатимиз киносанъати илдам қадамлар билан юксак чўққиларни забт қилаётган экан, бу, барчамизнинг ютуғимиз. Дунё нигоҳида эркин из қолдираётган санъатимиз ютуқлари мустақиллик берган улғунезматнинг дебосасидир.

Бугунги кунда барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг негизига яратувчанлик, бунёдкорлик, янгиликка интилиш, энг муҳими — фаол меҳнат мужассам. Режиссёрларимиз ва актёрларимиз ҳамкорлигида яратилаётган том маънода ҳақиқий санъат асарлари кўп. Албатта, улар ҳам келажақда бундан-да юксак мукофотларга лойиқ деб топилишига умид қиламиз.

Гулчеҳра ДҮРДИЕВА

Қарши шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежи ва «Геолог» спорт-соғломлаштириш мажмуасида қўл жанги бўйича уюштирилган анъанавий халқаро турнир мамлакатимизда ушбу спорт тури ёшлар орасида тобора оммаланиб бораётганини яна бир қарра исботлади.

Спорт

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Европа ва Осиёнинг ушбу спорт тури ривожланган 11 та давлатидан келган 400 нафар ўсмирлар иштирокидаги беллашувлар мурасасиз ва қизиқарли кечди.

Шуниси қувонарлики, профессионаллар мусобақасида ҳамюртларимиздан Бобур Раҳматов, Шухрат Абдурахмонов, Ахрор Охунбоев, Элбек Раҳимов, Илхом Саидов, Нурбек Гелдиев, Рустам Мағдиевларга ўз вазн тоифаларида тенг келадиган рақиб топилмади. Ҳамюртларимиз олтин медаллар билан тақдирланди.

Мутлақ вазн тоифасидаги финалда эса навоийлик Аминжон Эргашев тошкентлик Ихтиёр Холмуродовни мағлуб этди, лекин иккала спортчи ҳам медаллар эгасига айланди.

Турнир якунида ғолиб ва совриндорларга мутасаддиларнинг соврин ва совғалари топширилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бўстонлик тумани СИБ томонидан Бўстонлик тумани Исфара ИГХ маскани жарима майдончасида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
1. 10.02.2010 йилдаги №5-54-сон ижро ҳужжат. асосан 1991 йилда и/чик, дав.бел. Х 644 VNM бўлган «Опель Вектра» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 6 422 284 сўм. 2. 09.09.2009 йилдаги ижро варақасига асосан 1995 йилда и/чик, дав.бел. А 546 РТ90 бўлган «ВАЗ 21083» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 3 177 230 сўм. 3. Жиният ишлари бўйича Бўстонлик тумани суди биносида сақланаётган 08.06.2009 йилдаги №1718-сон ижро ҳужжат. асосан 1990 йилда и/чик, дав.бел. Х 530 АFN бўлган «Опель Вектра» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 8 399 232 сўм 4. Бўстонлик тумани МТП гаражи биносида сақланаётган 24.03.2009 йилдаги №11-0907/915-сон ижро варақ. асосан 1999 йилда и/чик, дав.бел. 4801 EP бўлган «Магнум 8940» русумли трактор воситаси, бош. нархи — 39 000 000 сўм.

Аукцион савдосига Бўстонлик тумани СИБ томонидан 19.04.2010 йилдаги № 2-037-10-сон ижро варақасига асосан Тошкент вилояти Бўстонлик тумани Қоронкул қишлоғининг юқори қисмида жойлашган умумий ер майдони 1533 кв.м, қурилиш май.123 кв.м, ҳовли 50 кв.м, боғ 1360 кв.м, бўлган дала ҳовли мажмуа ҳолда қўйилмоқда, бош. нархи — 22 095 479 сўм.

Аукцион савдосига Бўстонлик тумани СИБ томонидан 19.08.2010 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан Тошкент вилояти Бўстонлик тумани, Фазалкент шаҳри, Охунбоев кўчасида жойлашган умумий ер майдони 808 кв.м, ёрдамчи иншоотлар май.130,30 кв.м, қурилиш май.190,90 кв.м, ҳовли 150 кв.м, яшаш май.151,30 кв.м, дан иборат бўлган 21-уй (ҳовли) мажмуа ҳолда қўйилмоқда, бош. нархи — 40 000 000 сўм.

Аукцион савдосига Бўстонлик тумани СИБ томонидан 20.10.2010 йилдаги № 1-22/2010-сон ижро варақасига асосан «Тошкент тажриба таъмирлаш-механика заводи» (ОАО ТашОП) га қарашли бўлган Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Юсуфхона кўрғонига жойлашган умумий ер майдони 5,0 га дан иборат бўлган дам олиш оромгоҳининг бино ва иншоотлари мажмуа ҳолда қўйилмоқда, бош. нархи — 1 038 701 924 сўм.

Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот маркази ашёлар сақлаш омборхонасида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 11.10.2010 йилдаги № 1-632-сон ижро варақ. асосан 2006 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 01 В 792 FA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 9 329 500 сўм. 2. 11.10.2010 йилдаги № 1-632-сон ижро варақ. асосан 2008 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 19 Р 7343 бўлган «Нексия -2» русумли автотранспорт восита-

си, бош. нархи — 15 919 500 сўм. 3. 19.10.2010 йилдаги ижро варақ. асосан 1993 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 01 G 412 BA бўлган «Ваз-21063» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 3 008 980 сўм. 4. 09.09.2010 йилдаги № 1-689-10 - сон ижро варақ. асосан 2003 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 01 А 286 DA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 11 318 190 сўм. 5. 22.07.2010 йилдаги № 1-542/10-сон ижро варақ. асосан 2009 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 01 224 RAA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 9 784 205 сўм. 6. 15.10.2010 йилдаги № 150-сон ижро варақ. асосан 1994 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 01 J 877 CA бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 18 955 000 сўм.

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Мўйнок кўчаси, 241-уйда «Шарқли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 15.06.2010 йилдаги № 1-2-85/10-сон ижро варақ. асосан 2000 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 10 BC 120 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 7 476 660 сўм. 2. 18.10.2010 йилдаги № 10-1016/

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: DB 001 №000003

6305-сон ажримга асосан 2004 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 30 F 0240 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 12 750 000 сўм. 3. 03.09.2010 йилдаги № 1-612/10-сон ижро варақ. асосан 2008 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. ЛТЗ-60 АБ-10 бўлган трактор воситаси, бош. нархи — 33 619 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 6 январь кўни соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги автотранспорт воситалари тақдирини аукцион савдоси 2011 йилнинг 27 январь кўни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотечка банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхта-тилади.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Меҳнат ва меҳнатсеварлик ҳақида

Киши берса, кўримли,
Меҳнат берса, тўйимли.

Кўз — кўрқок, қўл — ботир.

Кўп гапдан оз бўлса ҳам иш яхши.

Мардни меҳнат енголмас.

Меҳнат — бахт келтирар.

Меҳнат — бойлик.

Меҳнатдан дўст ортар,
Ғийбатдан — душман.

Меҳнатдан келса бойлик,
Турмуш бўлар чиройлик.

Меҳнатдан кўрқма, миннатдан кўрк!

Меҳнат ерда қолмас.

Меҳнатинг — зийнатинг,

Меҳнатинг қаттиқ бўлса,
Еганинг тотли бўлар.

Меҳнат кишини улғулайди.

Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат.

Тош ётган ўрнида оғир,
Ўрнидан силжиши билан
енгиллашиб кетади.

Тошсиз тоғ бўлмас,
Кўчатсиз боғ бўлмас.

Тўқилса манглай теринг,
Унумли бўлар еринг.

Уйку — гафлатдир,
Меҳнат — роҳатдир.

Уринган иш ўринсиз кетмас.

Ҳазина ғойибдан эмас, меҳнатдан.

Эккан — ўрар, тиккан — олар.

Экмагунча унмас.

Эксанг, ўрасан.

Эрталабки иш — кўнгилни қилар хуш

Эрта унмаган, кеч унмас.

Эрта эккан бутун олар,
Кечга қолган ўтин олар.

Эрта эккан — дармон,
Кеч эккан — армон.

Югурган — қуруқ қолмас.

(Давоми бор)

ЎЗГАРИМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

8 декабрь кўни Тошкент шаҳрида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси — 1-3 даража совуқ, кундузи — 8-10 даража илқ бўлади.

Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси — 0-5 даража совуқ кундузи — 5-10 даража илқ бўлади.

Гидрометеорология марказининг мониторинг хизмати Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳити да зарарли моддаларни биров йилгилишига имкони яратмайди. Атмосферанинг яланиши даражаси 1-3 даража кўпайиши тахмин қилинмоқда, таг миқдори па бўлади.



Буюртма Г- 1106

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилми: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2592 нускада босилади.
Кого бичани А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлари ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефони мурожаат қилишиш мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифалар

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй